

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАРИ ТУРАР ЖОЙ МЕЪМОРЧИЛИГИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Машарипова Сайёра Абдурахимовна

Тошкент Архитектура қурилиш университети “Архитектуравий лойиҳалаш” кафедраси
доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7440088>

Аннотация. Ушбу мақолада юримизнинг кўхна шаҳарларидаги қадимий турар жой меъморчилигидаги ўзига хос анъаналари, услублари, меҳмонхонага бўлган асосий эътибори ҳамда дарвозахоналар қурилишининг ўзига хослиги, конструктив ечимларнинг қўлланилиши ва интерьерга бўлган талаблар ҳақида ёзилган.

Калит сўзлар: Айвон, тарх, тарз, меҳмонхона, ташқи ҳовли, ички ҳовли, гумбаз, меъмор, интерьер

ОСОБЕННОСТЬ ЖИЛОЙ АРХИТЕКТУРЫ ДРЕВНИХ ГОРОДОВ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация. В данной статье написано о специфических традициях, стилях, первоочередном внимании к отелю и уникальности конструкции сторожек, использовании конструктивных решений и требований к интерьеру в архитектуре старинных резиденций в старинных городах нашей страны.

Ключевые слова: Крыльцо, терраса, стиль, гостиница, открытый двор, закрытый двор, купол, архитектор, интерьер.

DISTINCTIVENESS OF RESIDENTIAL ARCHITECTURE OF ANCIENT CITIES OF UZBEKISTAN

Abstract. This article is written about the specific traditions, styles, main attention to the hotel and the uniqueness of the construction of gatehouses, the use of constructive solutions and requirements for the interior in the architecture of ancient residences in the old cities of our country.

Keywords: Porch, terrace, style, hotel, outdoor courtyard, indoor courtyard, dome, architect, interior

КИРИШ

Ўзбекистон қадимий турар жой меъморчилигини ўрганиш мақсадида қадимий шаҳарларимиз турар-уйларининг тархда ва тарзда кўриб ўтамыз.

Ўзбекистон шаҳарлари турар жой меъморчилигига хос хусусиятларидан бири уйни икки ҳовли – ташқи ва ичкида қуриш бўлган. Бу хусусият Марказий Осиё ва Шарқ давлатларида қадимдан мавжуд бўлган. Жумладан Ассурия ва сосонийлар саройларида, қадимий Греция турар жойларида ҳовлини ички ва ташқига бўлишган.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ


Ички ҳовлида оила турадиган хоналар, айвон, ошхона ва бошқа хоналар жойлашган. Ташқи ҳовли кўпинча иккинчи қаватда қурилиб, биринчи қаватда хўжалик хоналари, айвон, молхона, иккинчи қаватда меҳмонхона айвонлар жойлаштирилган. Меҳмонхонанинг ҳовлилари қай тарх ва тарзда қурилишини кўриб ўтамыз:

Тошкент шаҳридаги уйда меҳмонхона ташқи ҳовлининг иккинчи қаватидан ўрин олган. У квадрат шаклидаги айвон ва ҳашамдор катта хонадан иборат. Меҳмонхона деворлари ганчли нақш билан безатилган тоқчаларга тақсимланган. Унинг пойгаки

хонанинг асосий қисмидан устунлар билан ажратилган. Айвон меҳмонхонадан баландрок кўтарилиб, тўрт томонидан безакли темир панжара билан чегараланган.

Самарқанд шаҳри Маданият кўчасидаги уй иккита ҳовлидан иборат бўлиб, ташқи ҳовлининг биринчи қавати тўрт томонидан айвон билан чегараланган. Иккинчи қаватдаги меҳмонхона икки хона ва айвонлар ўртасидаги ҳовли бўлиб, ташқи ҳовлининг ажойиб архитектура композициясига эришишига ёрдам беради. (1-расм)

Нуротадаги мулла Ориф меҳмонхонаси 1911 йили уста Имом ва уста Қаландарлар томонидан қурилган. Меҳмонхона тўғри тўртбурчак шаклидаги ҳовлидан иборат бўлиб, унинг турида икки хона ва даҳлиз жойлаштирилган. Меҳмонхонанинг икки табақали ўймакорлик усулила ишланган дарвозаси унинг фасадини янада жозибадор кўрсатади.



1-расм. Самарқанд шаҳридаги Маданият кўчасидаги турар жойнинг ички интерьери. 1970 йил архитектор А.Н.Машарипов томонидан чизилган наброска.

Шунга ўхшаш алоҳида қурилган меҳмонхона Катта- кўрғонда ҳам учратдик. Мазкур меҳмонхона XIX аср охирида Қори Жалол томонидан қурилган. Меҳмонхона бир хона, даҳлиз ва «Г» ҳарфи шаклидаги айвонга эга. Меҳмонхонанинг кўча томони икки қаватли. Хоналар шифти ранг-баранг, эшиклари, устунлари ўймакорлик усулида нақшланган.

Каттакўрғондаги Пирматов уйи 1878 йилда қурилган. Уйнинг ички ҳовлиси уч томонидан хона ва айвонлар билан ўралган. Ташқи ҳовли тўрида олди айвонли икки хонадан иборат меҳмонхона жойлашган. Мазкур ҳовлининг қолган уч томони айвон. Меҳмонхона салобатлилиги, баланд айвони, мухташам устунлари билан ҳовлига кўрк бериб турибди.

Бухородаги икки ҳовлили уй икки қаватли қилиб қурилган. Ташқи ҳовлининг ўртаси очиқ бўлиб, тўрт томони айвон билан ўралган. Иккинчи қаватда даҳлиз ва

омборхонали меҳмонхона, олди, ён томонлари кенг майдонга эга бўлиб, айвонлари билан миниатюра шаклидаги хушбичим ҳовли атрофида эркин тарҳ ва тарзда жойлашган.

Китоб шахридаги кўп хонали уйнинг ички ҳовлисида олти хона, иккита майдон, олти айвон ва усти ёпиқ ошхона мавжуд. Ташқи ҳовлининг кириш қисмида меҳмонхона даҳлизи билан, унинг қаршисида «Г» шаклидаги айвон ва хўжалик хона жойлашган.

Қўқон шахридаги Садихонни уйи 1911 йилларда уста Отажон томонидан қурилган. Ташқи ҳовлидан қурилган меҳмонхона «Г» ҳарфи шаклида баланд ҳашаматли айвон билан чегараланган. Ички ҳовлининг асосий қисми икки қаватга эга. Меҳмонхона ва ички ҳовлидаги уй, айвон шифтлари, деворлари нақшланган.

Намангандаги Муҳаммад Сиддиқ уйи 1909 йили қурилган. Уй икки ҳовлидан иборат бўлган. Дарвозахонадан кичкина миниатюралари ташқи ҳовлига кирилган. Дарвозахона қаршисида жойлашган меҳмонхона «Г» ҳарфи шаклидаги айвонга эга. Ички ҳовли икки томонидан уйлар билан чегараланган.

Андижондаги Райимжон уйи 1920 йилда қурилган. Уй ёнма-ён жойлашган икки ҳовлидан иборат. Ички ҳовли бир қаторда жойлашган, иккита олд айвонли уйдан иборат. Ташқи ҳовлининг кириш қисмида дарвозахона ва бир хона жойлашган. Уларнинг устида айвони кўчага қаратилган икки хона жойлашган.

Мазкур уйда ташқи ҳовлидаги дарвозахона устидаги хона ҳамда қаршисидаги айвонли хона меҳмонхона вазифасини ўтаган.

Хивадаги Ёқубов уйи (В.Л.Воронина ўлчови). Уй плани компакт тарзга эга бўлиб, унинг ўртасидаги кичкина ҳовли тўрт томонидан хоналар билан ўралган. Ҳовли эса катта «улу» айвон ва кичик терс айвон билан ёпилган. Дарвозадан тўғри даҳлизга, ундан икки хонали меҳмонхонага кирилади. Меҳмонхона уйнинг қисмидан усталик билан ажратилган бўлишига қарамасдан, у уй мажмуаси билан ҳар томонлама боғлиқ.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Ўзбекистон шаҳарларида ташқи ҳовли композицион жиҳатдан салобатлироқ қурилган. Бу билан меъморлар, биринчидан, уйнинг кўча томондаги пештоғини бойитиш, тантанавор қилиш билан бирга унинг тарҳ жиҳатдан функционал вазифасини кучайтиришга ҳаракат қилишган. Ташқи ҳовли кўпинча икки қаватли қилиб қурилиб, унинг биринчи қаватида хўжалик хоналари, айвонлар жойлаштирилган. Иккинчи қаватида атрофи айвон билан ўралган меҳмонхоналар бўлган. Ташқи ҳовли ўртасида кичкина очик жой қолдирилган. Бу очик жой иккинчи қават учун ҳам очик майдон ҳисобланиб, атрофидаги хона ва айвонларни композицион боғлашга қаратилган.

Мазкур тузилишдаги уйнинг шаҳарларда кенг тарқалиши бошқа талаб ва принциплардан ташқари хонадоннинг меҳмон кутишига ҳам қулайлик туғдирган.

Шаҳар шароитида ҳам меъморлик нуқтаи назаридан ёндашганимизда тўғри келганини ҳис қиламиз, чунки меҳмон иккинчи қаватдаги шинам, баҳаво меҳмонхонада қабул қилинган, миниб келган оти эса биринчи қаватдаги зинхонада сақланган.

Меҳмонхонани салобатлироқ, уйнинг қолган қисмидан баланроқ қилиш қадимдан мавжуд бўлиб, бу принцип шарқ миниатюраларида ўз ифодасини топган. Жумладан «Гўзал қиз ва ошиқ чол» (Бухоро, XVI аср) миниатюрасида дарвозахона устида жойлашган меҳмонхона баланд, салобатли ҳашамдор кўринишга эга. «Иш билан шуғулланаётган зодагон» (1500 йил) миниатюрасида меҳмонхона икки қисмдан иборат

бўлиб, бири бўйлама композицияга, иккинчиси, гумбаз билан ёпилган. Уларнинг иккаласи ҳам уй ансамблидан баланд кўтарилган.

Ташқи ҳовли кўчага қаратилган. Биринчи қават кўпинча пишиқ ғиштдан терилиб, ўртада ёки бир бурчагига икки табақали дарвоза ўрнатилган. Иккинчи қават биринчи қават деворидан бўртиб чиққан узун айвон билан ажратилган. Баъзан кўндаланг композицияга эга бўлган уйларнинг иккинчи қавати кўча томондан айвон билан бўлинган, иккинчи қаватни ушлаб туриш учун биринчи қават деворидан кўча томонда устунлар ўрнатилган. Уй қаватлари бир текисликда кўчага қаратилган бўлиши мумкин. Бу ҳолда қаватлар фақат кўндаланг чизикда ташқарига 20-30 см бўртиб чиққан, биринчи қават тўсинлари ва бир ёки икки қатор қилиб терилган пишиқ ғишт билан ажратилган.

Уй композицияси унинг тузилиши, жойлашишига қараб бўйлама, кўндаланг, ярим айлана шаклида ҳам учраши мумкин.

Шаҳар халқ меъморчилигида унинг кириш қисми ўзига хос талабларга эга бўлган. Бу, албатта, ўша халқнинг урф-одати билан боғланган. Темурийлар авлодига мансуб Вожидалининг «Матлаул улум ва мажмаул фунун» номли қомусида «Гўзал ва махобатли ташқи дарвоза бинонинг кўркидир» дейилган. Ҳақиқатан ҳам, ўймакорлик усулида ишланган бағдодча дарвозалар уйнинг кўрки бўлган.

Бухорода мохирона нафис ўйиб нақшланган дарвозаларни кўриб қувонганидан одамлар устага қарата «нигин шинонд» - узук тақибди дейишган.

Шуни ҳам айтиш керакки, турар жой меъморчилигида дарвозахоналар ҳам ажойиб тарҳ ва тарзга эга бўлган. Дарвозахона, асосан, ҳовли билан кўчани боғлаган. Кўпчилик ҳолларда дарвозахона ҳамма томонлама берк бўлиб, у ҳовлининг интимлигини таъминлаган.

Дарвозахоналар уйнинг планига, композициясига қараб хар хил қурилган. В.Н.Манакова Тошкент уйларида беш турдаги дарвозахона планини аниқлаган.

Уларда дарвозахона долон шаклидаги йўлак, зиналар билан кўтарилган долон тузилишига, тарҳда «Д» ҳарфи тузилишига, тўртбурчак шаклидаги дарвозахонанинг катта айвон билан боғланиши, тўртбурчак шаклдаги дарвозахонанинг «Г» шаклидаги долонга боғланиши каби тузилишларга эга.

Самарқанд, Бухоро халқ меъморчилигида ҳам Тошкентдаги дарвозахона турлари мавжуд. Шу билан бирга, дарвозахонанинг ташқи ҳовли бўйлаб ўраб олинган айвон билан бирлашиб кетган ҳоллари ҳам учрайди.

Нурота шаҳар уйлари ажойиб композицияли дарвозахонага эга. Бу ерда тўғри тўртбурчак тузилишидаги уй баланд бўлиб, кўча томони дераза ва эшиксиз бўлган. Уйнинг баланд қисмига ён томондан дарвозахона қўшилган. Дарвозахона пастрок бўлиб, ундаги дарвоза табақалари юзаси ўймакорлик усулида ишланган. Халқ меъморчилигида дарвозахоналарни девори ва томи «П» ҳарфи шаклида бўртиб чиққан, дарвозахона томини кўча томондан икки устун ушлаб турган ёки олд девори «П» ҳарфи шаклида бир-нечта бир-биридан ичкарига киргазилган кесакидан иборат ҳолларни учратиш мумкин. Уларнинг икки томонидаги супачалар дарвозахона ҳуснига-ҳусн қўшиб туради.

Умуман, халқ меъморчилигида дарвозахона ўзининг ихчам, чиройли тарҳи ва тарзи билан юқорида айтиб ўтилган вазифалардан ташқари, уй композициясига тантанаворлик бағишлаган ва уй мажмуаси учун пештоқ вазифасини бажарган.

Уйнинг ички ҳовлисида хоналар, айвонлар асосан, бир қаватли қилиб қурилган. Шунингдек, кўпчилик уйларда кўшни билан мулоқатда бўлиб туриш учун деворда туйнукча қолдирганлар. Кўшнилари туйнукча орқали бир-бирларидан хабардор бўлиб туришган. Меҳмон келган хонадоннинг кам-кўстини сездирмасдан кўшнилари шу туйнуклардан меҳмонга атаб нон, ёғ, овқат, мева чиқаришган. Шунинг учун бўлса керак, халқимизда «Меҳмон келар эшикдан, ризқи келар тешикдан» деган нақл бор. Шунингдек, кўшнилари меҳмон билан суҳбат қуриш учун ташриф буюришган ва навбатма-навбат ўз уйларига меҳмондорчиликка таклиф қилишган. Ўзбекистон шаҳарлари халқ меъморчилигида меҳмонхона турлари ҳақидаги фикримизни умумлаштириш учун юқорида кўриб ўтилган ҳамда ўрганилган уйларнинг тархлари бўйича тўхталамиз.

Тошкент шаҳридаги уйда меҳмонхона ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида бўлиб, бир хона ва айвонга эга. В.А.Воронина ўз китобида келтирилган Қорасарой кўчасидаги уйнинг ташқи ҳовлисида жойлашган меҳмонхонанинг бир хона ва даҳлизи бор. В.Н.Манаква мақоласида 12та уй ташқи ҳовлиси иккинчи қаватининг схематик плани келтирилган.

Уларда меҳмонхона, даҳлиз-айвон; хона-айвон, хона-айвон-қарқарча айвон; хона-даҳлиз; хона-айвон-шийпон; хона-айвон-даҳлиз-шийпон; хона-даҳлиз-айвон каби тузилишларга эга.

Самарқанддаги кўриб ўтилган уй ташқи ҳовлисининг иккинчи қаватида жойлашган меҳмонхона атрофи айвон билан туташтирилган икки хонадан иборат. А.К.Писарчик келтирган Мазокирова уйда меҳмонхона иккинчи қаватда бўлиб, олди айвонли бир хонадан иборат. Абдужалолов уйда эса меҳмонхона айвони ташқи ҳовлида, биринчи қаватда жойлаштирилган. В.А.Лавров ўрганган уйларнинг схематик планларини кўздан кечирар эканмиз, улардан иккитасида меҳмонхона бир хона ва айвонга эга бўлиб, у иккала уйни ҳам ташқи ҳовлисининг биринчи қаватида, учинчисида эса бир хонали меҳмонхона бўлиб, у дарвоза ёнида жойлашган.

П.Ш.Зоҳидов ўрганган бир ҳовлили Файзуллаев уйда меҳмонхона ҳовли тўрида бўлиб, бир хона ва даҳлизга эга. Хушқомилбой уйда ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида жойлашган икки хонали меҳмонхона, икки хонали ва бир даҳлизли хоналар билан айвон орқали туташтирилган. Мансуров уйда бир хонали меҳмонхона олдида супа бўлиб, у хоналар ўртасида жойлашган. Т.Б.Рапопортнинг Самарқанд шаҳри бўйича мисол сифатида келтирилган уйда меҳмонхона бир хона ва айвондан иборат бўлиб, иккинчи қаватда жойлашган.

Бухоро шаҳри бўйича кўриб ўтилган уйларнинг кўпида меҳмонхона бир хона ва даҳлизга эга бўлиб, ҳамма ёғи айвон билан ўралган (иккинчи қаватда). Абдуллобек уйда меҳмонхона даҳлиз,

бир хона ва омборхонага эга бўлиб, ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида жойлашган. В.Л.Лавров китобида келтирилган Бухоро турар жойларининг схематик тархларидан иккитаси меҳмонхона ташқи ҳовлисининг биринчи қаватида бўлиб, бир хона ва даҳлизга эга, қолганларида ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида бир хона ва даҳлиз; бир хона, даҳлиз ва майдон; бир хона ва майдон тарзида жойлаштирилган. Л.И.Ремпель Бухоро уйларини меҳмонхоналари бўйича қилган тадқиқотининг умумий хулосасида меҳмонхоналарнинг асосан биринчи қаватда, иккинчи қаватда алоҳида ҳовли тариқасида

келишини ҳамда бой хонадонларга тегишли меҳмонхоналарнинг бир нечта хонадан иборат бўлганлигини уқтиради.

Китоб шахридаги кўриб ўтилган уйларда меҳмонхона даҳлизи билан биринчи қаватда жойлашган, айвони хўжалик хоналари билан боғланган. В.Воронина ўрганган Шахрисабз турар жойларининг схематик тархларини кўздан кечирар эканмиз, ҳовлиларнинг бирида бир хона, даҳлиз ва айвонга эга бўлган меҳмонхона биринчи қаватда, қолган иккита бир ҳовлили уйларнинг иккинчи қаватида жойлашган меҳмонхона бир хона, даҳлиз ва омборхонага эга. Шунингдек, иккита икки ҳовлили уйларнинг бирида ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида жойлашган меҳмонхона бир хона, айвон, омборхонага эга. Иккинчисида, меҳмонхона, хона ва омборхона ўртасида жойлашган баланд шийпонга эга.

Қарши шахридаги кўриб ўтилган уйлар-ташқи ҳовлисининг иккинчи қаватида жойлашган меҳмонхона бир хона ва айвонга эга.

В.Л.Воронина Қарши шаҳар Бешкент кўчасидаги меҳмонхона планини ўз китобида келтиради. Меҳмонхона олд айвонли бир хона ва даҳлиздан иборат. В.Л.Воронина мисол сифатида келтирган уйлардан яна бирида меҳмонхона икки даҳлиз, усти шохнишинли катта хонадан иборат, бошқасида меҳмонхона ташқи ҳовлининг биринчи қаватида жойлашган бўлиб, бир хона ва даҳлизга эга.

«8-март» ва «Янги кўча» лардаги уйларда меҳмонхона иккинчи қаватда, кичкина ташқи ҳовли тариқасидаги майдонча, бир хона ва омборхонага эга. Яна бир уйда меҳмонхона икки хона ўртасида шийпон жойлаштирилган тархга эга.

Фарғона уйларида меҳмонхона алоҳида кичкина ҳовлига эга ҳолда учрайди. Фарғона водийси шаҳарларида меҳмонхона кўпроқ олд айвонли бўлади. Андижон, Қўқон, Марғилонда косибчилик билан машғул бўлган оилаларнинг аксарияти XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларига қадар ички ва ташқи ҳовлига эга бўлиб, ташқи ҳовлида меҳмонхона қуришган.

Хива уйларида меҳмонхона уй билан чамбарчас боғланган бўлишига қарамасдан, у хоналардан ажратилган кириш қисмига эга. Бу ерда меҳмонхона бир хона, олди айвонли хона, даҳлизли хона тариқасида учрайди.

Демак, Ўзбекистон шаҳарларида меҳмонхона асосан ташқи ҳовлида қурилган. Меҳмонхона учун ташқи ҳовлининг иккинчи қавати ажратилган, у бир хона, даҳлиз, айвон, майдон, омборхона ҳамда атрофи айвон ёки очиқ майдонли икки, уч хона ва даҳлиздан, баъзан ташқи ҳовлининг иккинчи қаватида баланд шийпоннинг бир ёки икки томонида битта ёки бир нечта хонадан иборат бўлиши мумкин.

ХУЛОСА

Бир қаватли уйларда меҳмонхонани ташқи ҳовлининг кириш қисмига яқинроқ ёки алоҳида кичкина ҳовлига, шунингдек, дарвозахона ёки бошқа хўжалик хонаси устига бир хона ва кичкина айвони билан ёки бир ва икки томони шохнишин катта хонали қилиб қуриш мумкин.

Бир қаватли, бир ҳовлили уйларда меҳмонхона уй мажмуаси билан ҳам тархда, ҳам конструктив жиҳатдан боғланган бўлишига қарамасдан, алоҳида кириш майдончаси ва эшигига эга, яъни меҳмонхона дарвозахона билан туташган ҳолда учрайди. Айрим уйларда дарвозахона меҳмонхонанинг кириш майдончаси бўлиб хизмат қилади.

Баъзан бир ҳовлили уйларда меҳмонхона бир ёки икки хонага эга бўлиб, иккинчи қаватда ташқи ҳовлига ўхшаш кичкина майдончаси бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, айрим бадавлатроқ хонадонлар ўз уйдан узоқроқда меҳмон кутиш учун алоҳида уй қурганлар. Бу уйлар меҳмонхона, деб юритилган.

REFERENCES

1. Qodirova, S. A., Aripova, N. A., Raximov, L. S., Turebaev, J. O., & Abdusalomov, U. X. (2021). Requirements For The Formation Of The Historical Structure And Internal Environment Of Secondary Schools. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(04), 60-64.
2. Adilovna, Q. S. (2021). Features of the Design of Public Buildings in the Organization of Public Services. *湖南大学学报(自然科学版)*, 48(10).
3. Ozadovich, K. A., & Ismailovich, I. B. (2021). Issues of Organization of Service Sets on the Uzbek National Highway A-380. *Design Engineering*, 2582-2586.
4. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
5. Yunusov, S. H., & Qodirova, S. A. (2021). Issues Related to National Forms in the Architecture of Uzbekistan. *Design Engineering*, 10940-10943.
6. Adilovna, Q. S., & Ozodovich, X. A. (2021). REQUIREMENTS FOR THE PREPARATION OF INTERIORS IN SECONDARY SCHOOLS. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 74-77.
7. Ramatov, J., & Umarova, R. (2021). Central Asia in IX-XII Centuries: Socio-political Situation, Spiritual and Cultural Development. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 2(04), 148-151.
8. Qodirova, S. A., Raximov, L. S., Allayorov, K. O., & Sodiqov, M. M. (2021). Peculiarities Of The Buildings Of The Cultural And Educational Center. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(03), 1-6.
9. Abdujabbarova, M., Nazarenko, T., Begmatova, D., & Tuxtayeva, M. (2021). Industrial Production Of The Republic Of Uzbekistan. *The American Journal of Applied sciences*, 3(11), 39-47.
10. Xushnazavovich, Q. R., Xammatovna, S. M., & Mirkamol o'g'li, S. M. (2021). Traditional Houses and Architecture of Kashkadarya. *European Journal of Life Safety and Stability (2660-9630)*, 12, 459-463.
11. Khasanov, A. O., & Allayorov, K. O. (2021). Residential Yurts Of The Ancient Nomads Of Central Asia And The Use Of Yurts In Tourism. *The American Journal of Engineering and Technology*, 3(01), 58-64.
12. Adilovna, Q. S. (2021). THE LINK OF CULTURAL AND EDUCATIONAL CENTERS TO THE SOLUTION OF THE PROJECT IDEA. *Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL)*, 2(11), 92-95.
13. Ozodovich, X. A., Iqramovich, A. R., & Shaxnazarovich, R. L. (2021). Location of auxiliary rooms inside the living rooms in Bukhara traditional residential areas.
14. Khasanov, A. (2020). Organizing Eco Tourism Along With Uzbek National Automobile Way. *Solid State Technology*, 63(6), 12674-12678.

15. Khasanov, A. (2016). About several infrastructure constructions of the Great Silk Road. *Int'l J Innov Sci Eng Technol*, 3(6), 295-299.
16. Ozodovich, X. A., & Azim o'g'li, N. A. (2021). Formation of the "Obod Mahalla" System in the Villages of Uzbekistan and Serving the Population. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 1(5), 325-329.
17. Inogamov, B. I., & Khasanov, A. O. (2021). Taking Into Account Socio-Functional Factors in the Design of Housing. *Design Engineering*, 2587-2589.
18. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.
19. TACI, A. K. About Several Infrastructure Constructions Of The Great Silk Road.
20. Mahmudov, O. Z. O., & Kasimov, I. M. (2021). THE STUDY OF THE GEOECOLOGICAL PROBLEMS OF A BIG CITY. *Academic research in educational sciences*, 2(4), 271-275.
21. Раззаков, С. Ж., Холбоев, З. Х., & Косимов, И. М. (2020). Определение динамических характеристик модели зданий, возведенных из малопрочных материалов.
22. Zokirjon o'g'li, M. O., & Kasimov, I. M. (2021). MODELING OF BUILDINGS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(05), 772-781.
23. Dedakhanov, B., & Kasimov, I. (2022). ANCIENT ARCHITECTURE OF THE FERGHANA VALLEY FEATURES OF FORMATION AND DEVELOPMENT (ON THE EXAMPLE OF CIVIL ARCHITECTURE AND URBAN PLANNING). *Science and innovation*, 1(C6), 278-284.
24. Ravshanovich, A. Z. (2021). Issues Of Improving Tourism Opportunities In Namangan Region. *International Journal of Progressive Sciences and Technologies*, 26(2), 40-44.
25. Ozodovich, H. A., & Maribovich, Q. I. (2022). Improving the Design of Youth Innovative-Creative and Development Scientific Centers. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 72-76.